ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ШАРОИТИДА ОДДИЙ ВА КАШТАНБАРГЛИ ЭМАННИНГ ЎСИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Хожамуротов Нагметулла Бегдулла ули
Қорақалпоғистон қишлоқ хўжжалиги ва агротехнологиялар институти мустақил тадқиқотчиси

Оддий эман (*Quercus robur* L.) - бўйи 35-40 м, диаметри 1-1,5 м га етадиган дарахт. Танаси тўғри ўсади, шох-шаббаси қалин. Очиқ ерда ўсганда шохлари ён томонга ўсиб, кенг шох-шабба ҳосил қилади. Унинг пирамидамисон, шарсимон шох-шаббали ҳиллари бор. Пўстлоғи бўйига ёрилган, тўқ кул рангда бўлади. Ёш шохлари ва новдалари ҳам қўнғир-қизғиш рангда, бўлади. Куртаклари овал шаклда, йирик бўлиб, новданинг учида доира бўлиб жойлашади. Юқоридаги куртаклари ўткир учли, ёнидагиси йирикроқ. Барглари оддий тузилган, спирал шаклда, кузда тўкилиб кетади. Барг пластинкаси тескари тухумсимон, патсимон бўлакли, бўлаклари юмалоқ, учи тўмтоқ. Томирлари патсимон, пластинкаси бўлаклари ва четларининг кесиги ҳар хил бўлади. Дастлаб барглари тукли бўлади, сўнг тук фақат уларнинг орқа томонидаги томирларда сақланиб қолади [1-5].

Оддий эман (*Quercus robur*) - қорақайиндошлар оиласининг энг машҳур вакили бўлиб, Ғарбий Европа ҳамда Россиянинг Европа қисмида фаол етиштирилади ҳамда кенг тарқалган. У ёзги эман ёки оддий эман ёки инглиз эмани номи билан ҳам машҳур. Оддий эман узоқ умр кўрадиган дарахт тури бўлиб, 2000 йилгача яшаши мумкин, аммо одатда 300-400 йил яшайди. Эман жуда бақувват дарахт бўлиб, зич экилганда танаси текис, шохларидан юқори даражада тозаланган, очиқ жойларда якка тартибда экилганда эса танаси калта, шох-шаббаси кенг, тарвақайлаган ва паст жойлашган бўлади. Эман Ғарбий Европа ва Россиянинг Европа қисмида, Африка ва Ғарбий Осиёда табиий ҳолда ўсади. У Европадаги кенг баргли ўрмонларнинг энг кенг тарқалган турларидан биридир. Оддий эманнинг

ареали шарқда Уралгача, жанубда Қрим ва Кавказнинг тоғли ҳудудларигача етиб боради [6].

Қорақалпоғистон Республикаси шароитида ўсаётган Оддий ва каштанбаргли эман дарахтларининг ўсиш ҳолати (2023-2025 йй.)

№	Ўсиш ҳудуди	Баландлиги, м			Диаметри, см		
		2023	2024	2025	2023	2024	2025
		Оддий эман					
1	Элликқалъа	17,3±1,2	18,2±1,4	18,9±1,4	31,4±1,6	34,6±1,8	38,6±2,1
2	Амударё	14,2±0,8	14,8±1,1	15,6±1,3	24,7±1,4	27,3±1,6	29,9±1,8
3	Нукус ш.	15,4±1,1	16,2±1,2	17,8±1,2	28,2±1,6	31,9±1,9	34,4±2,1
		Каштан баргли эман					
1	Элликқалъа	12,2±0,6	13,3±0,8	14,2±0,6	20,7±1,2	22,5±1,6	24,8±1,4
2	Нукус ш.	10,6±0,4	11,3±0,8	12,5±0,7	18,9±1,1	22,1±1,4	23,2±1,3

Каштан баргли эман (*Quercus castaneifolia*) дарахт бўлиб, бўйи 25 метрга яқин, ёши новдаси куртаклари чизиқли, ёнбаргчалари ёш баргларининг орқа томони қалин, сариқ ёки кул – ранг тукли кейинчалик туки йўқолади. Шохларининг пўстлоғи силлиқ, кул рангда. Барглари чўзиқ авал шаклда бўлиб, 10-12 жуфт йирик ўткир тишчали улар каштаннинг баргига ўхшайди. Урғочи гуллари ва ёнғоқчалари бандсиз ёки калта бандли. Уруғдан кўпаяди. Бу эман Касбий денгизининг жанубида ва Шимолий Эронда тарқалган. Тоғда денгиз сатхидан 1800 метргача кўтарилади. Украинанинг ва Шимолий Кавказнинг дашт ва ўрмон – дашт зоналарида экилмоқда. Бу ерларда совуққа чидайди. Ботаника боғида яхши ўсмоқда. У нихоятда чиройли дарахт бўлганлигидан жойларни кўкаламзорлаштириш учун тавсия этилади.

Ҳудудда ўсаётган дарахтларларнинг ҳолати ўрганилганда, дарахтларнинг баландлиги 14,2±0,8 метрдан 18,9±1,4 метргача, танасининг диаметри 24,7±1,4 см дан 38,6±2,1 см гача ҳамда мавжуд дарахтларнинг

ҳолати яхши эканлиги аниқланди. Элликқалъа тумани шароитида ўсаётган дарахтлар бошқа ҳудудлардаги дарахтлардан 0,04-0,38 метр баланд, диаметри эса 0,5-2,7 см га, шох-шабба ўлчамлари эса 0,2-0,8 метрга юқори эканлиги аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Дудорев М.А. Лесомелиоративный питомник. – Москва: Лесная промышленность, – 1968. - 30 с.

Рикала Р. Производство посадочного материала в Финляндии // Лесовосстановление на Европейском Севере. Хельсинки: НЦ ВАНТАА, 2000. - С. 133-146.

Боговая И.О., Фурсова Л.М. Ландшафтное искусство. - М.: Агропромиздат, 1988. – 148 с.

Кайимов А.К., Бердиев Э.Т. Дендрология.-Тошкент, – 2012.- 248-252 б.

Кайимов А.К., Бердиев Э.Т.,Тураев А.Т., Ҳамроев Ҳ.Ф., Турдиев С.А. Дендрология. - Тошкент: – 2014. – 256-260 б.